O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 июл шанба

Сотувда эркин нархда № 148 (2710)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.У.Баҳромовни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Аъзамхон Усмонович Баҳромов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июл.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 июл.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Марказий сайлов комиссиясининг айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисидаги ахбороти.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.

3. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

4. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (учинчи ўқиш).

5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

7. Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

10. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

11. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

13. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Сўз — Ўзбекистон Қаҳрамонига

Болалигимни эсласам, овулдошларимнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб пахса урганлари, уй қурганлари кўз олдимга келади. Ғўза чопиғидан, бошқа «темир тартиб»ли дала ишларидан беш-ўн кун қўл бўшадими, «қаҳри қаттиқ раҳбар»дан рухсат тегдими, вассалом, етти яшардан етмиш яшаргача — ҳамма пахса урар эди. Энди ўйлаб қарасам, ўша пайтлари ана шу уйлар чинакам пойдеворсиз қурилар, шу боис у ўн йил ўтар-ўтмас нураб қолар, ўрнига янгиси барпо этилар экан.

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Собиқ «Қизил империя» иморати ҳам худди ўша пойдеворсиз уйлардек қулаб тушганига ўн йил тўлмоқда. Аллоҳга минг бор шукурки, мазкур сохта салтанат ўрнида қад тиклаган бахт, ишонч, иймон уйларидан бири бизнинг Ўзбекистон бўлди. 1991 йилнинг 31 августида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов муборак минбардан туриб тарихий сўзларни айтганда, очиғи, ҳаммамиз ҳам бугунги мустақиллик деган олий неъматнинг қадрини дарҳол англаб етмаганмиз. Аммо вақтдан улуғроқ ҳакам йўқ. У бизга эркнинг қадрини ҳам, эрк учун курашганлар хотирасининг нечоғли азиз эканлигини ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Ва август ойининг охирги кунида эркимиз учун, бахтимиз учун курашганлар, қурбон бўлганларнинг хотирланиши расмий равишда белгилаб қўйилгани жуда тўғри бўлди.

Мен ўзимни озод юртнинг бахтли фарзанди, деб биламан. Нега? Аввало, мен тинч мамлакатда яшаяпман. Қолаверса, мен турли миллат кишилари эъзоз топган, инсон қадрланаётган мамлакатда яшаяпман. Президент халқини, халқи Президентини эъзозлайдиган мамлакат фуқаросиман. Мустақиллик душманлари юртимизга Сариосиёдан суқилиб кирмоқчи бўлганларида, Юртбошимиз ўша ерга бориб ёш аскарларга қарата айтган гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди. «Муттаҳамларни бир-икки кун кейин бўлса ҳам адабини берарсиз, лекин ўзингизни эҳтиёт қилинг, сизлар менга, мамлакатга, халққа кераксиз, оилангизга, ота-онангизга, ёру биродарингизга кераксиз!», деди Президент. Кимдир «Кўксингизга тақилган нишон учун айтяпсизми бу гапларни?» дейиши мумкин. Яширмайман, халқимизнинг асл фарзандлари, шулар орасида мен ҳам ана шу олий унвон билан тақдирланганимдан бахтиёрман. Айни чоғда тинчлик, тотувлик, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат деган улуғ тушунчалар ҳам борки, уларни биз кўз қорачиғидек қадрлашимиз керак.

Ўтган йили, айниқса, шу йил бошида юз берган қурғоқчилик оқибатларини тугатишда ҳукуматимиз бераётган ёрдамни унутиб бўладими?! Вазирлар Маҳкамаси яқинда қабул қилган «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори-чи? Унинг ҳар бир бандида инсон учун чинакам ғамхўрлик қилинаётганини сезиш қийин эмас.

Ўтган ўн йилга назар ташласам, Қорақалпоғистонимизда бажарилган улуғвор ишлардан бошим кўкка етади. «Нукус-Султонваистог-Мискин-Учқудуқ» темир йўлининг ҳар қаричи қанча-қанча меҳнат ва маблағ ҳисобига бунёд этилган. Ҳозирнинг ўзида неча-неча юз вагон юклар шу йўлимиздан ташилиб, қанчаданқанча валюта тежалмоқда.

Мен шифокорман. Ўн йил ичида соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, Қорақалпоғистон тиббиётида юз берган ўзгаришлар тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Шулардан биргинаси — Нукусда биз меҳнат қилаётган муассаса, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишнинг бебаҳо маскани очилганининг ўзи ҳар қандай эътиборга, эътирофга лойиқдир. Биз Ўзбекистон деб номланган пойдевори мустаҳкам бахт биносида яшаяпмиз. У ҳали жаҳонда бўй-бастини янада ростлагай!

Онесия САЙТОВА,
Ўзбекистон Акушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институти Нукус филиали бўлими мудири, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Байрамга бағишланган кўргазма

Юртимизда маънавий-маърифий масканлар фаолиятини тубдан яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ерда мамлакатимиз халқлари тарихига оид 50 мингдан зиёд нодир буюм сақланади. Айтиш жоизки, улар орасида ҳанузгача томошабинлар эътиборига тўла ҳавола этилмаганлари ҳам анчагина. Шу боис музейда ана шундай осори-атиқалардан иборат махсус кўргазма ташкил этилди. Истиқлолимизнинг ўн йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада халқимизнинг бой тарихига оид юзлаб нодир ашёлар намойиш этилмоқда.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан самарали ҳамкорлик самараси ўлароқ, хорижга ғайриқонуний равишда олиб кетишга уриниш чоғида ушлаб қолинган кўтлаб бетакрор санъат дурдоналари музейга тортиқ этилган эди. Яқинда бу ерда шундай ашёлардан иборат кўргазма ҳам ташкил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Сурхон воҳасининг табиати ўзгача. Ёзини-ку қўяверинг, ҳатто қишнинг чилласида ҳам қуёшли кунлари кўп. Шу боис ҳам боғларида етиштирилган меваларнинг баҳоси йўқ, қовун-тарвузларининг тилими тилни ёради. Анор, хурмо ва яна қанчаданқанча меваю сабзавотларини айтмайсизми? Ҳар йили мамлакат бозорларини ҳам эрта кўкламдан сурхонлик деҳқонлар сероб этишади. Уларнинг ғаллачиликда, пахтачиликда ҳам ўз мактаблари бор. Санъати ва миллий ҳунармандчилигига эса қойил қолмай иложимиз йўқ.

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Қадим воҳа саховати

Кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Кўргазмалар залида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари фестивали очилди. Унда республика Президентининг Матбуот котиби Р.Жумаев, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзамов, Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ.Мадартов воҳанинг ўзига хослиги, мустақиллик йилларидаги беқиёс ривожланиши, қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик ишлари хусусида фикр юритдилар.

Шундан сўнг фестивал кўргазмаси билан танишилди. Бу кўргазмадаги қўшма корхоналар, халқ миллий ҳунармандчилиги, хусусий тадбиркорлар маҳсулотлари эътиборни тортар даражада эди. Бойсун туманидаги «Озода» ҳунармандчилик хусусий корхонаси тикувчилари томонидан тайёрланган миллий дўппиларни кўргазма қатнашчилари қизиқиш билан томоша қилишди. Улар хилма-хиллиги, безакларининг бежиримлиги билан ҳам ажралиб туради.

Дўмбирасини чертиб-чертиб терма айтаётган Шоберди бахши атрофидан ҳеч кимнинг кетгиси йўқ. Бахшининг дилидаги сўзлари тилига қуйилиб-қуйилиб келаверади. Майин, ширали овози ён-веридагиларни сеҳрлайди гўё.

Яна бир томонда миллий халқ қўшиқлари, лапарлар янграйди. Сурхоннинг алпқомат йигитларию сулув қизлари басма-басига куйлашади, даврани тўлдириб ўйин қилишади. Беихтиёр уларга томошабинлар ҳам қўшилиб кетишади.

— Фестивал кўргазмасидан бир олам завқ олдим, — дейди санъат ихлосмандларидан бири Илҳом Маматов. — Мустақиллигимиз боис шундай тадбирларнинг ташкил этилаётганидан хурсандман.

Бадиий академиянинг Кўргазмалар залида Сурхондарё кунлари давом этмоқда. Дастлабки таассуротларга эса янги-янгилари қўшилаверади. Негаки, халқимиз бу каби маданий-маърифий тадбирлар тарафдори. Сурхондарёликлар фестивали кўргазмаси эса бугун барчани ўзига чорламоқда.

Абдул РАСУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: фестивал кўргазмасидан лавҳа.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Банкдан ташқари молия институтларини ривожлантириш — кичик ва ўрта тадбиркорлик тараққиётининг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Иқтисодиёт, молия ва банк соҳаларини ислоҳ қилиш, бозор тамойиллари ва механизмларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Комиссия йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, банкдан ташқари молия муассасаларининг фаолияти ва ривожланиш истиқболлари таҳлил этилди.

Мазкур масала юзасидан молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда банкдан ташқари молия институтлари тармоғи шакллантирилган. У 29 та суғурта, 5 та лизинг ва 490 та аудиторлик компаниясини қамраб олган. Жорий йилнинг биринчи ярмида суғурта мукофотлари ҳажми қарийб 6 миллиард сўмни, шу жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари бўйича 917 миллион сўмни ёки умумий ҳажмнинг 15,1 фоизини ташкил этади. 1997-2001 йиллар мобайнида лизинг ташкилотлари томонидан 11,9 миллион АҚШ доллари ва 26,6 миллиард сўмлик ускуналар етказиб берилди. Шундан кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 4,2 миллион АҚШ доллари ва 8,32 миллиард сўм ёки тегишли равишда умумий ҳажмнинг 35 ва 31 фоизи миқдорида маблағ ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛЛИККАЛЪАДА УЧРАШУВ

Элликқалъада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб "Назм ва наво" шеърият байрами ўтказилди. Байрам қатнашчилари Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан келган ўқувчилар ҳордиқ чиқараётган "Орол болалари" оромгоҳи, "Элтэкс" тўқимачилик мажмуи, шунингдек, Амиробод ва Тоза-боғ қишлоқларида учрашувлар ўтказдилар, янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Шеърият байрами доирасида ёш ижодкорлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 50 нафардан ортиқ ёш шоир иштирок этди. Уларнинг истеъдодини Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Жуманиёз Жабборов каби таниқли ижодкорлар баҳолаб борди. Танловда юқори баҳо олган ўн нафар ёш ижодкор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ҳамда туман ҳокимлиги таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Палатада ҳамон сокинлик

Дунёнинг етакчи мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ниҳоятда катта эътибор берилади. Сабаби — мазкур соҳа одамларни иш билан таъминлашнинг асосий омили ва аҳоли даромадининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу тармоқнинг афзаллик томонлари кўп. Масалан, кичик корхоналар қисқа фурсатда фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятига эга.

Хўш, республикамизда иқтисодиётнинг муҳим қисми ҳисобланган ушбу соҳада аҳвол қандай? Бу борадаги мавжуд имкониятлардан қай тарзда фойдаланяпмиз? Тан олиш керак: ҳозирча амалга ошираётган ишларимиз талабга тўла жавоб бермайди. Биргина мисол. Мамлакатимизда ҳар минг киши орасида кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган одамлар сони 4,8 кишини ташкил қилмоқда, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз республикамизда бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қиларкан, асосан ечимини кутаётган муаммоларга тўхталди. Мазкур вазифа билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини жиддий танқид қилди.

Тўғри, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда 190 мингта ана шундай корхона фаолият кўрсатаяпти. Жорий йилнинг ярмида уларнинг сони 16 мингтага ошди. Ўтган давр мобайнида банклар ва бошқа молиявий тизимлар орқали ушбу корхоналарга 72 миллиард сўм кредит берилди. Ўн мингдаб янги ишчи ўринлари ташкил қилинди.

Лекин,очиғини айтганда, амалга оширилаётган ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Иқтисодиётнинг бу соҳасидаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мазкур вазифа билан бевосита шуғулланиши зарур бўлган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятида туб бурилишга эришолмаяпти. Аслида тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларга шарт-шароит яратиб бериш мазкур нодавлат ташкилотининг асосий вазифаси ҳисобланади. Аммо амалда Палатанинг жойлардаги бўлимларида ана шу ишга бўлган бурч унутилмоқда.

Яқинда биз хизмат сафари билан Палатанинг Янгийўл тумани бўлимида бўлиб, «Ўтган даврда тадбиркорлар томонидан неча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, қанча киши кредит олди?» деб сўрадик. Палата раҳбарлари эса «Бундай кўрсаткичлар бизда бўлмайди, сабаби — Низомимизда бундай вазифа йўқ» деб жавоб қилишди. Хўп, шундоқ ҳам бўла қолсин. Лекин туманда тадбиркорлар қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги, улар қанча миқдорда кредит олганлиги наҳотки раҳбарларни қизиқтирмаса?

Палатанинг бошқа жойлардаги раҳбарлари ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажаришмаяпти. Улар аъзолик бадали йиғиш билан овора бўлиб қолмоқдалар. Шу боис туманлардаги тадбиркорларнинг бир қисми Палатага аъзо эмас. Сабаби — улар бирон-бир муаммони ечиб беролмайдилар. Масалан, тадбиркор учун ишни юритишда асосий омил ҳисобланган кредит масаласини олиб кўрайлик. Агар бу борада у бирон-бир тўсиққа дуч келса, камдан-кам ҳолда Палатага мурожаат қилади.

Кўпинча тадбиркорларнинг туман ҳокимига ёки юқори ташкилотларга ёрдам сўраб хат ёзганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин улар Палатага мурожаат қилмайдилар. Жорий йилнинг олти ойлик якунларига бағишланган мажлисда Президентимиз кичик корхонани рўйхатдан ўтказишдаги сарсонгарчилик тўғрисида қуйиниб гапирди. Ахир ўзингиз ўйланг: фақат рўйхатдан ўтиш учун қанча вақт, қанча маблағ кетса, буни қандай тушуниш мумкин?

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг жорий йилнинг 26 июлида бўлиб ўтган йиғилишида Президентимиз билдирган танқидий фикрлар муҳокама қилинди. Лекин, афсуски, сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ўзларининг иши тўғрисида ҳисобот бердилар, холос. Муаммолар, камчиликлар, ишни яхшилаш бўйича таклифлар деярли билдирилмади. Назаримизда, ҳалиям уларнинг аксарияти катта мажлисда билдирилган танқидни тўла тушуниб етмаган кўринади.

«Ўтган даврда ёки умуман, Палата ташкил этилганидан буён неча киши бу ерга ёрдам сўраб мурожаат қилди? Уларнинг қанчасига амалий ёрдам кўрсатилди?» деган саволга мутлақо жавоб берилмади. Янги корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 та идорага мурожаат қилиб, 40 га яқин бир-бирини такрорлайдиган турли хил ҳужжатлар талаб қилиниши ҳаммага маълум. Таассуфки, уларни соддалаштириш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида ҳам бирон киши таклиф айтмади.

Палата йиғилишида шу куннинг руҳига мос бўлмаган яна бир нарса кузатилди: бирбирини танқид, ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш умуман сезилмади. Дарвоқе, йиғилишда танқидий сўзлар янгради, лекин эътирозларни Палата Марказий Кенгаши аъзолари эмас, балки Бош вазир ўринбосари Ў. Исмоилов билдирди.

Устига устак, баъзи вилоятларда ҳанузгача корхоналарни ноқонуний текшириш ҳоллари мавжудлиги сир эмас. Лекин Палатанинг жойлардаги раҳбарлари тадбиркорларнинг ёнини олиш, бу ишга муросасизлик қилиш ўрнига ҳамон томошабин бўлиб туришибди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватловчи банклар фаолиятида ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Таъмагирлик, кредит олувчи тадбиркорларни бекорга овора қилиш ҳоллари қузатилмоқда. Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида банк раҳбарларидан 4 нафари ана шундай иллатлар учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Шу боис ушбу масалада банкларнинг юқори ташкилотлардаги раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Албатта, лоқайдликка, масъулиятсизликка қарши курашувчанлик бўлмас экан, ишда силжишга эришиш қийин. Биз юқорида фикр юритган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Давр билан ҳамнафас бўлиш, белгиланган вазифаларни бекамиқўст бажариш уларнинг биринчи галдаги иши бўлмоғи керак.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўн йил аввал ва бугун

Янгиланаётган Янгиқўрғон

Ўн йил. Бугунги кунда бу муддат жуда кўплаб ишларимизни баҳолаш учун мезон бўлмоқда. Агар ким бундан ўн йил аввал Янгиқўрғон туманида бўлган бўлса, бугун бу заминдаги мислсиз ўзгаришлар, турмуш маданиятининг нечоғли ўсганлигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. Тоғлар билан ўралган, қўшни Қирғизистон билан чегарадош Янгиқўрғон тумани Истиқлол шарофати туфайли ҳамманинг кўз ўнгида тубдан ўзгарди. Бу, албатта, табиати сўлим туманда турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидай яшаб, меҳнат қилаётганлари, уларни эртанги кунга бўлган ишончлари, қалбларида Ватанга муҳаббат, фидойилик туйғулари ёнганлиги самарасидир. Уларда озод ва обод Ўзбекистон фуқароси бўлишдек бахтни туйиш, шу юртга муносиб бўлиш иштиёқи кучли. Зеро, Янгиқўрғон аҳли — меҳнаткаш, тиниб-тинчимас, ғайратли халқ. Ҳозир 56 та қишлоқда 31339 оила истиқомат қилади. Туман аҳолиси сони 155,6 минг кишини ташкил этади. Асосан боғдорчилик, узумчилик, картошкачилик, сабзавотчилик, дончиликка ихтисослашган туманда бир куннинг ўзида тўрт фасл табиатини кўриш мумкин. Бундай ҳол деҳқон меҳнатида қийинчиликлар келтириб чиқаришига қарамай, ҳеч қачон чинакам ер эгасининг иродасини бука олмайди.

1997 йил туман аҳли учун мураккаб кечди. Йил 68 млн. сўмлик иқтисодий зарар билан якунланди. Нима қилиш керак? Қайси бир соҳада хатога йўл қўйилди?

Аввало, кўп нарса раҳбарларга боғлиқ эканлиги аён. Шу боис ҳам туман ҳокими вазифасига Зокиржон Мамажонов тайинланди.

1988 йилдаёқ барча қарзлар узилиб, ҳатто 26 млн. сўм фойда олинди. Бу кўрсаткич 1999 йили 63 млн. сўмга, 2000 йили эса 150 млн. сўмга етди! Ана шу рақамлар ортида тинимсиз изланиш, қаттиқ меҳнат ётганлиги сир эмас. Инсон қадри ўз ўрнига қўйилгани боис ана шундай ютуқларга эришилди.

Халқнинг дардини тинглаш, муаммо ва камчиликларини собитқадамлик билан ҳал этиш — туман раҳбарига хос фазилатлардан биридир. Шундай хислатлари туфайли ҳам эл унга ишонди, унга эргашди.

Бу йил туманнинг энг шимоли, тоғ олди ва Қирғизистон чегарасида жойлашган Нанай қишлоғи аҳолиси учун чинакам байрам бўлди: хонадонларида «зангори олов» ёнди. Бу уларнинг неча йиллик орзуси эди. 31,5 км узунликдаги юқори босимли газ тармоғини тортиш учун 140 млн. сўм маблағ сарфланди. Ўтган йиллар ичида жами 160 км. табиий газ тармоғи ишга туширилди. Ёки содда қилиб айтганда, 1998 йилгача 14 та қишлоқ газлаштирилган бўлса, уч йил ичида улар сони 28 тага етди.

1999 йилдан шу кунгача 154 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Аҳолининг талаб ва истаклари ўрганилиб, 60 та савдо, 18 та умумий овқатланиш, 14 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 34 км. тоза ичимлик суви тармоғи фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили Газнон қишлоғида 422 ўринли, қардош қирғиз халқи билан бир ариқдан сув ичадиган «Қайроқи» массиви аҳолиси фарзандлари учун 400 ўринли мактаб бинолари қурилди. Аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. 1999-2001 йиллар давомида Истиқлол, Бирлашган, Беговот қишлоқларида 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Шу йил Наврўз айёмида 36 ўринли «Шошилинч тез тиббий ёрдам» марказининг иш бошлагани туман аҳли учун яна бир катта совға бўлди.

Туманда жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар ишга солинаётир. Фикримиз далили сифатида ўн йиллар мобайнида ташландиқ, хароба аҳволга тушган стадион ўрнида туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳашар усулида 10 минг кишига мўлжалланган спортсоғломлаштириш мажмуининг қуриб битказилганини айтиб ўтиш жоиз.

Ёш авлодни жонажон Ватанга муносиб тарбиялаш, таълим бериш борасида ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. Ёшлар 1 та коллеж, 3 та касб-ҳунар мактаби, 2 та лицей, 58 та мактабда билим ва ҳунар ўрганишмоқда. Янгиқўрғон агроиқтисодиёт коллежининг 2000 йили қайтадан, жаҳон андозалари асосида таъмирланиб, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига айлантирилгани, унда ёшларимизнинг билим, касб-ҳунар эгаллашлари учун янада кенг имкониятлар яратилгани ҳам фарзандларимиз учун кўрсатилаётган ғамҳўрлик намунасидир.

Бундай ҳаракатлар ўзининг қувончли самараларини бермоқда. 33-мактабнинг 7-синф ўқувчи Холида Мирзаакбароваинг Зулфия номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлганлиги ёки 26-мактаб волейболчи қизларининг республика мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллаганликлари, шахмат клуби қатнашчиларининг вилоят, республика мусобақаларида қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этаётганликлари ҳар бир янгиқўрғонлик қалбини тўлқинлантириб юборди.

Туман ғаллакорлари эришаётган ютуқларни вилоят, республика миқёсида эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, тоғ олди ҳудудида жойлашган, об-ҳаво шароити ноқулай, кўплаб тошлоқдан иборат ерларда ғалла етиштиришнинг ўзи бўладими? Туман ҳокимлиги, энг аввало, ҳар бир деҳқонда ерга эгалик ҳиссини тарбиялади. 8905 гектар ғалла майдони 1462 оилавий пудратчига бўлиб берилди. Текшир-текшир, асоссиз аралашувлардан холи деҳқон сидқидилдан меҳнат қилди. Натижа кутилганидан зиёда бўлди: 1998 йилда давлатга дон сотиш режаси бажарилмаган бўлса (гектаридан 27 центнердан), 1999 йили ҳосилдорлик 30 центнерга етди. 2000 йили эса 34 центнер, бу йил 8905 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга эришилди! Давлат омборларига 25 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилди. 800 тонна уруғлик ғалла тайёрланди. Вилоят миқёсида «Янгиқўрғон мактаби» яратилди, десак муболаға бўлмайди. Уч йил муддат ичида ғалла етиштириш кўрсаткичи 7300 тоннага ортиб кетди!

«Кўкёр» ширкат хўжалиги пудратчиси Қўшоқбой Режаббоев 11 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектаридан 98 центнердан дон йиғиштириб олди. Бу мисли кўрилмаган натижа. Шу хўжалик пудратчиси Олимжон Ашуров ҳам самарали меҳнат қилди. Гектаридан 88 центнердан хирмон кўтарди.

Булардан ташқари, ҳокимликнинг матбуотга кўрсатаётган ғамҳўрлиги туфайли 1998 йилда 532 минг сўм зарар билан чиққан газета бугунги кунда вилоятдаги газеталар ўртасида ўз мавқеига эга. Ўтган уч йил ичида таҳририят ўз биносига эга бўлди. 1999 йилдан бошлаб эса ғазета офсет усулида чоп этила бошланди. Барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 2000 йилда вилоятда 1-ўринни эгаллади.

Янгиқўрғон тумани меҳнаткашлари нафақат вилоятда, балки республикада ҳам барча соҳалар бўйича нуфузли ўринларни эгаллашга интилмоқдалар.

Қамбарали ИБРОҲИМОВ,
«Янгиқўрғон ҳаёти» туман газетасининг муҳаррири.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Мунис, меҳрибон оналар билан суҳбат қурганда туман ҳокими Зокиржон Мамажонов яйраб кетади.

Банкдан ташқари молия институтларини ривожлантириш – кичик ва ўрта тадбиркорлик тараққиётининг муҳим омили

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эришилган ютуқларга қарамай, молия бозорининг бу бўғини ривожланиш суръатлари бўйича ортда қолмоқда ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган талабларини, айниқса, кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқаришни янгилаш ва қайта жиҳозлашга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмаяпти. 2000 йил якунларига кўра, банкдан ташқари молия институтлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши суғурта соҳасида 0,3 фоизни, лизингда 0,03 фоизни, аудитда 0,07 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда ЯИМ да суғурта хизматлари улуши 3,5 фоизга, лизинг ва аудитники 3 фоизга етади.

Мавжуд аҳвол таҳлили банкдан ташқари молия институтлари ривожига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд эканини кўрсатмоқда. Аксарият компаниялар-нинг капиталлаштириш даражаси паст, шунингдек, улар ҳудудий жиҳатдан номутаносиб тақсимланган, яъни асосан Тошкент шаҳрида тўпланган, ҳудудларда филиаллар тармоғи мавжуд эмас; кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда изчиллик йўқ; компанияларнинг моддий-техника базаси ривожланмаган; кўрсатилаётган хизматлар маркетинги йўлга қўйилмаган; молиявий инфратузилманинг мазкур бўғинига хорижий сармояларни жалб қилиш борасидаги ишлар суст олиб борилмоқда.

Бундай шароитда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш суғурта ташкилотлари маблағларини инвестиция қилишнинг самарали шаклларини жорий этиш, қайта суғурталовчи компаниялар ташкил этган ҳолда унинг инфратузилмасини ривожлантириш, суғурта операцияларини солиққа тортишни халқаро талабларга мувофиқ такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ.

Халқаро тажрибадан кўринадики, лизинг хизматлари бозори Япония, Корея ва Хитой иқтисодий тараққиётида ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожида энг муҳим омил бўлди. Бу мамлакатларда ҳозир ҳам минглаб лизинг компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Лизингни давлат томонидан тартибга солишнинг лизинг юқори даражада ривожланган мамлакатларга хос самарали механизмлари мавжуд эмаслиги, лизинг операцияларини солиққа тортиш тартибининг номукаммаллиги мамлакатимизда мазкур хизмат турининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис ҳам лизинг хизматлари банк кредитларига нисбатан 30-35 фоиз қиммат. Молия вазирлигига лизингни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш ва лизингни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Кўпчилик аудиторлик компаниялари тўлиқ ўз муассислари тасарруфида эканликлари боис холис ва мустақил аудит ўтказиш имкониятига эга эмас, шунингдек, асоссиз аудиторлик хулосалари берилгани учун мулкий жавобгарлик борасида моддий имкониятлари чекланган. Шу сабабли Молия вазирлигига Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг иккинчи ярмида мамлакат миқёсида иккита мустақил, йирик, капиталлаштириш даражаси юқори, республика шаҳар ва туманларида филиаллар тармоғига эга бўлган аудиторлик компанияси таъсис этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

«Бизнес-фонд» ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан янги иш бошлаган тадбиркорларга бирламчи молиявий ресурслар ажратилиши хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкдан ташқари молия институтлари ролини оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан идоралараро ишчи гуруҳига икки ҳафта ичида мазкур жамғармаларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда банкдан ташқари молия институтларининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, моддий-техника базасини ривожлантириш, суғурта, лизинг ва аудиторлик компанияларининг ҳудудий жиҳатдан мутаносиб жойлашувини таъминлаш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматларни халқаро талаблар даражасига яқинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари йиғилишда билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиш учун Ҳукуматга тақдим этилади.

(ЎзА).

Мустақиллик иншоотлари

Бугунги кунда Термиз шаҳрининг қай бир гўшасига борманг, яратувчилик ишқи билан яшаётган бунёдкорларга дуч келасиз. Термиздаги қурилиш ҳиссадорлик жамияти пайвандловчиси Султонали Ҳайитов ҳам ана шундай фидойилар сирасига киради. У айни пайтда шаҳар марказида қад ростлаётган амфитеатр қурилишида меҳнат қилаётир. Уч минг ўринга мўлжалланган ушбу томошагоҳ Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

***СУРАТДА:** ўз касбининг устаси Султонали Ҳайитов.*

***Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.*

Тайёргарлик уюшқоқликни таъминлайди

Эртага бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайлови бўлиб ўтади

Жойларда бу сайловга қандай тайёргарлик кўрилди? Уни ўтказишга доир ташкилий юмушлар қай даражада амалга оширилди? Бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси котиби, комиссия Котибияти бошлиғи Анвар САЪДУЛЛАЕВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра 29 июл — Сайлов куни, деб белгилангач, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Аввало, бўшаб қолган 14 та округда округ сайлов комиссиялари тузишга эътибор қаратилди. Бу вазифа «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига асосан бажарилди. Шундан сўнг тегишли округ сайлов комисиялари ўз ҳудудларида сайлов участкалари ташкил этиб, уларда фаолият юритувчи участка сайлов комиссияларини туздилар.

Сайлов комиссиялари ўз ваколатлари доирасида сайловнинг ташкилий-техникавий ишларини олиб бораётган бир пайтда сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ушбу округлардан ўз номзодларини кўрсатдилар. Жумладан, Халқ демократик партияси 10 номзод, «Фидокорлар» миллий демократик партияси 5 номзод, «Адолат» социал демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгашлари 4 тадан номзодларини тавсия этишди. Шу ўринда айтиш жоизки, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан ҳам Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳаракатлари кузатилди. Аммо улар белгиланган муддатда қонун талабларини тўлатўкис ado этаолмадилар. Шу боис улар томонидан кўрсатилган номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинмади.

Маълумки, сайловолди ташвиқоти даври номзод учун ҳам, сайловчи учун ҳам аҳамиятли. Барча округлардан кўрсатилган номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингач, сайловолди учрашувлари бошланди. Бундай учрашувлар тўғрисидаги хабарлар тегишли маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Қонун талабига кўра номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари сайлов кунига қадар давом этади. 29 июл кунининг дастлабки дақиқасидан бошлаб ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Сайловни демократик тамойиллар асосида ҳамда уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Мавжуд 462 та сайлов участкасига тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенлари етказиб берилди. Барча сайлов участкаларида яширин овоз бериш учун кабиналар (хоналар), овоз бериш қутилари тахт қилиб қўйилган. Ногиронлик оқибатида ёнки бошқа узрли сабабларга биноан сайлов участкасига келиш имкони бўлмаган сайловчиларнинг илтимосларига кўра, уларнинг турар жойларида овоз беришни уюштириш тадориги кўрилди. Сайлов участкаларида телефон, айримларида рация алоқаси йўлга қўйилган.

Яна шуни айтиш керакки, сайловни ташкил этишда сайлов комиссияларига кенг жамоатчилик, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари яқиндан кўмак беришаяпти.

Хуллас, бугун тайёргарлик ишлари ниҳоясига етади. Эртага — сайлов. Ким депутат бўлади? Буни албатта, сайловчилар ҳал этишади.

«Халқ сўзи» мухбири Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олди.

Қурувчилар ҳиммати

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш Жиззах вилоят марказининг Зомин тумани бўлими шифокорлари «Наврўз айёми» фирмаси қурувчиларига катта раҳмат айтмоқдалар. Зафар Саидмирзаев раҳбарлигидаги ушбу қурилиш фирмаси жарроҳлик бўлимини сифатли таъмирлаб бердилар.

Таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилиши Жарроҳлик операцияларининг кўнгилдагидек амалга оширилишига имкон бермоқда. Ўз саломатликларини қисқа муддатларда тиклаб олаётган беморлар катта ҳажмдаги таъмирлаш ишларини ҳашар йўли билан амалга оширган қурувчилардан миннатдор бўлишмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

Истиқлол берган имкон

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисидаги нутқида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юртбошимиз чиқишида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволи, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари чуқур таҳлил қилинди. Миллий иқтисодиётда бу соҳанинг ўрни, мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида очиб берилди.

Сир эмас, совет даврида кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти инкор этиб келинган. Иқтисодиёт ҳақида сўз кетганда, авваламбор, кўз олдимизда фақат минглаб кишилар ишлайдиган гигант корхоналар намоён бўлган.

Чунки у даврда одамлар онгига кичик ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик капитализм иллати, деб сингдирилди. Тадбиркорлик турли маъмурий йўллар билан чекланди. Хусусий ишлаб чиқариш билан шуғулланиш қонун орқали тақиқланди. Ҳатто қишлоқда яшайдиган одамлар ўз томорқасидан эмин-эркин фойдаланиб, қўшимча даромад олиши ҳукумат қарорлари билан чеклаб қўйилди. Ишлаб чиқаришда кичик корхоналар афзалликлари инкор этилиб, хўжаликларни коллективлаштириш ва корхоналарни йириклаштириш сиёсати юритилди.

Лекин кишиларнинг эркин меҳнат қилиши маъмурий йўллар билан қанчалик чекланмасин, халқимиз қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик, ишбилармонлик фазилатлари, ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш хислатлари, миллий ҳунармандчилик, косибчиликка бўлган меҳнат кўникмалари сақланиб қолди.

Истиқлол туфайлигина тадбиркорлар кўкрагига шабада тегди. Ишбилармонлар елиб-югурадиган, бирим икки бўлсин, оилам фаровон турмуш кечирсин, юртим бойисин, деб яшайдиган замон келди. Давлатимиз бу йўлда барча имкониятларни яратиб бермоқда. Янги мулкдорлар синфи қўллаб-қувватланмоқда, рағбатлантирилмоқда.

Аммо, дастлабки йилларда ушбу соҳанинг ривожланиб кетишига ишончсизлик билан қараш ҳоллари кучли эди. Айрим кишиларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар, хусусий фирмаларнинг келажаги йўқ, бугун бўлмаса эртага банкротга учраб, ёпилиб кетади, деган тушунча бор эди. Айниқса, маълум бир тоифа тадбиркорларда, эртага давлат сиёсати ўзгариб қолмасмикан, деган ҳадик борлиги ўз фаолиятларини кенгайтиришга халақит берарди. Энг ёмони, мажлисда Ислом Каримов таъкидлаганидек: **"Аксарият кишилар онгида тадбиркор дегани — бу ҳуқуқбузарликка мойил, қандайдир текин даромад ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган нотўғри тасаввур ва қарашлар ҳам, афсуски, йўқ эмас".**

Айрим кишилар ушбу йўналишга бўлган ўз ишончсизлигини ҳар йили юзлаб кичик корхоналар банкротга учраб, ёпилиб кетаётганлиги билан исботлашга ҳаракат қилади. Бунинг асосий сабаби эса, уларнинг эскича фикрлашдан тўла қутула олмаганликларида, жаҳоний тажрибани яхши билмасликларидадир.

Агар ривожланган давлатларда кичик, хусусий корхоналар рақобат курашига дош беролмай синса, бизда ёпилаётган корхоналар аксарият ҳолларда эскича фикрлаш, эскича иш юритиш усуллари туфайли касодга учрамоқда. Қолаверса, ҳали талбикорларимизда билим ва тажрибанинг етишмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари ҳам панд бермоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида мамлакатимизда мулкчиликнинг ҳуқуқий базаси яратилганлиги, тўлақонли бозор муносабатлари шаклланаётганлиги, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги, хўжалик юритишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланаётганлигимиз сабабли, одамлар онгидаги эски тасаввурлар барҳам топа бошлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлатимиз раҳбари тадбиркорларга, ишбилармонларга, қолаверса, бутун халқимизга қарата биз тарихнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олганлигимизни, иқтисодий сиёсатимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилганини ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Президентимиз уқтирганидек, қуйидаги омиллар ва шарт-шароит мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни кенг ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Биринчидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос таркиби ва ривожланиш даражаси, халқимиз менталитети, қулай табиий шарт-шароит ва бойликлар, катта ишлаб чиқариш салоҳияти ва меҳнат ресурслари.

Иккинчидан, иқтисодиётимизда қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари етакчи ўрин эгаллайди. Ушбу соҳани ривожлантириш учун бизда етарли табиий ва иқтисодий шарт-шароит мавжуд. Айниқса, устувор йўналиш сифатида танланган қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоқларида ҳозир мева, узум, сабзавот-полиз маҳсулотларининг, гўшт-сутнинг атиги 5-25 фоизигина қайта ишланмоқда. Айни пишиқчилик пайтида кичик, ихчам қайта ишлаш қувватларининг етишмаслиги туфайли мева-сабзавотларнинг 20-30 фоизигача нобуд бўлади. **Биз ана шу имкониятлардан тўла фойдалана олсак, мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, энг муҳими, одамларнинг даромадини оширишда янги манба бўлиб хизмат қилади.**

Учинчидан, ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 60-70 фоизни ташкил қилади. Бу тармоқларда банд аҳолининг 70-80 фоизи меҳнат қилади. Уларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу соҳа иқтисодиётнинг барқарорлигини, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, биз совет даврининг якка мулкчилик, иқтисодиётда "гигантомания" сиёсатининг салбий оқибатларидан тегишли хулоса чиқаламасдан, ички имкониятлар, аҳолининг ортиқча маблағларини жалб қилиш ҳисобига ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Келажакда улар негизида замонавий, молиявий жиҳатдан бақувват кўп тармоқли йирик компаниялар шаклланиши мумкин.

Олтинчидан, биздаги демографик вазият ҳам ушбу соҳани кенг ривожлантиришни тақозо этмоқда. Республикамизда ҳар йили меҳнатга лаёқатли аҳоли 200-230 минг кишига кўпаймоқда. Аҳолининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди. Айнан қишлоқларда меҳнат ресурсларининг ўсиши, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг улуши шаҳарларга нисбатан анча юқори. Шунча аҳолини фақатгина қишлоқ хўжалигида банд қилишнинг имкони йўқ. Уларни қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик корхоналар, хусусий фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқалигина иш билан таъминлаш мумкин.

Бизнинг сиёсатимиз тўғри, ҳалол, ўрнатилган қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда бойлик орттириш, ўз хусусий ишлаб чиқаришини ташкил қилишни қўллаб-қувватлайди, хусусий мулкчиликни қимоя қилади. Чунки, мамлакатимизда тадбиркорлар, мулкдорлар синфи қанча тез ўз мавқеини эгалласа, уларнинг давлатимизда ва ўз ватанларимизда ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқаришга,

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

РАВНАҚ ТОПГАЙ ЮРТИМ — ОНАМ

Ҳамал келди, амал келди... баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди, ўзлари ҳорғин-ҳорғин оқсаларда, бўшалган қул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар...

Ҳамал келди, амал келди...

Абдулҳамид Чўлпон ҳазратлари бу сатрларда табиатнинг оддий манзарасини эмас, Ватан баҳорининг башоратини ёзганлар, деб ўйлайман.

Афсус шуки, озодликни бахтли тасодиф деб баҳоловчилар ҳам бор. Мазкур фикрни буткул инкор этганимиз ҳолда, деймизки, табиат баҳорининг кириб келиши тасодиф бўлмагани каби, Ватан озодлиги — баҳорининг юз очгани ҳам мутлақ қонуний сиёсий жараён эди.

Баҳор боғларни яшнатади. Баҳор эпкинларига ҳомиладор куртаклар чирой очадилар. Аммо қайси бир кавакда пайт пойлаётган аямажиз бу гулларни ямлай-ямлай боғларни қуритиш қасдида. Эсли боғбон боғларини бу зулм ҳамласидан эҳтиёт қила олади.

Бир донишманд айтган экан: «Ватан — бир боғдир, Ватаннинг содиқ фарзандлари бу боғни ўз юрак қонлари ила суғормаклари даркордир...»

Ватан боғини юрак қони ила суғормаклик — мажозий маънода айтилган. Ўзини Ватан фарзанди, деб ҳисобловчи одам бутун жону тани билан бу боғни яшнатиш учун хизмат қилиш керак, дейилмоқчи. Баҳорий озодликка аямажиз ҳуруж қилгудай бўлса, том маънодаги юрак қонини тўкмаклик билан ҳам ҳимоя этмоқ зарурати туғилади. Табиат баҳорининг қонунияти барча жойда бир бўлгани каби, Ватан боғини эҳтиётлаш, яшнатиш маж-бурияти ҳам барча мамлакатларга ҳосдир. Яъниким, немислар Олмон диёрини, можорлар Можористонни, инглизлар Англияни қандай авайласалар, биз — ўзбеклар Ўзбекистонимизни ўшалар каби, балки улардан-да юксакроқ мартабада севмоқлигимиз фарздир. Биз бугун тараққиёт бобида айрим мамлакатлардан ортда эканимиз айб эмас, бу ўтмиш жамиятнинг қолоқлиги таъсиридандир. Аммо Ватанга бўлган эътиқод, муҳаббат бобида ортда қолмоқлигимиз сира мумкин эмас.

Озодлик баҳорини асраб қолиш, Ватан боғини яшнатишнинг асосий шартларидан бири — амалдир, яъни ҳар биримизнинг хизматимиздир. Тангри таоло айтибдики: «Эй, бандаларим, сизлардан ҳаракат, мендан эса барокат». Оғир муҳораба олдидан аъёнлар Амир Темур ҳазратларига дебдиларким: «Эй, соҳибқирон, дуо қилиб Оллоҳдан сўранг, бу қалъани олайлик». Шунда ҳазрат соҳибқирон: «Агар фақат дуо билан олиниш мумкин бўлса, мусулмонлар учун Бадр жанги бўлмас эди», деган эканлар.

Ҳамал келди, амал келди... Бу «кутайлик, кўрайлик» деб эмас, «Курашайлик, бунёд этайлик» деб яшамоқ фурсати келди, демакдир.

«Ватан» атамасига улуғлар, донолар турли сифатлар беришган. Улардан аълороқ тарзда сифатламоқни даъво қилмаганимиз ҳолда, онгимизнинг қулочи етар даражада фикр билдирмоққа ҳаракат қилиб кўрамиз. «Ватан — одамнинг киндик қони тўкилган ердир» деган таърифга эътироз билдирмасак-да, айтмоқчимизки, бу шартли бир тушунчадир. Агар туғилган жой тўла маънода Ватан бўлганида эди, биз томонларда туғилиб ўсган немислар, юнонлар, яҳудийлар, қрим татарлари ва яна бошқа миллат вакиллари ота-боболари юртига кўчишмас эди. Хорижда туғилган ўзбеклар эса «Ватан» дея Ўзбекистонга интилмас эдилар. Демак, Ватан — энг аввало, ота-боболарнинг покиза ҳоклари ила шарафланган жойдир. «Ватан остонадан бошланади» деган таърифга ҳам бироз таҳрир киритмоққа эҳтиёж сезамиз: Ватан ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади. Яъниким, ҳар кишининг қалбида Ватаннинг жажжи қиёфаси яшайди. Ватан — биз нафас олаётган ҳаводир. Ватаннинг бир зарраси эканини англамоқ киши учун ифтихор ва шарафдир. Ватанга муҳаббатни жамлай олган юрак фақат Одам боласига хосдир. Тангри таоло дебдики: «Мен Одам болаларини азиз ва мукаррам қилиб яратдим». Бу азиз ва мукаррамликни «Ватанни севмак, Ватанни қадрламак, эътиқод этмак ва равнақи ҳамда шону шарафи учун хизмат этмак» деган фазилатларда кўрамиз.

Юрак, ўпка, жигар... барча жонзотларда мавжуд. Ҳатто кўзларимизга аранг илинадиган чумоли, чивинда ҳам юрак бордир. Барча жонзотлар ҳам Яратганга тасбеҳ айтадилар, аммо ота-онага муҳаббатлари чеклангандир — вақти келиб, ота-оналарини унутадилар. Ватан муҳаббати ҳам чеклангандир, туйғу эмас, илмда «шартли рефлекс» деб аталувчи одатдир. Жонзотлардаги «Ватан» тушунчаси ўз уйларини ҳимоя қилиш билангина чекланади. Даф қилаётган кучдан ожиз бўлсалар, бошқа уяга кўчиб яшайверадилар.

Ота-онага, Ватанга бўлган муҳаббат фазилати фақатгина Одам болаларига берилган. Шундай экан, Ватан қадрига етмасликни Тангри неъматларига ношукурлик, беписандлик, деб баҳоламоқ ҳам мумкин.

Ҳамал келди, амал келди — боғни парваришлаш вақти келди.

Озод Ватаннинг озодлик ғояси шу қадар буюк, шу қадар муқаддаски, у нопок ва лойқа оқимлардан беқиёс даражада баланд туради. Чунки айнан унда янги жамият ўз ибтидосини олади. 1991 йил 31 августда эълон қилинган истиқлол хабари олам аро бир ёруғ машъала ёқдики, энди уни ўчирмоқ мумкин эмасдир. Ўчирмоққа уриниш эса нодонликдир. Истиқлол — Ўзбекистон келажаги учун яратилмиш зарур шарт-шароит демак. У янги жамиятга, тараққиётга пойдевор қурди. Бу пойдевор устига бунёд этилажак озод Ватан саройига дунё ҳавас қилажак, иншооллоҳ!

Аждодларимизга насиб этмаган истиқлол шарафи, бахти ва ҳаракат салоҳияти том маънода сиз билан бизга насиб этди. Биз фақат озодлик қуёшини кўрибгина қолмай, балки бу қуёшни энди турли қора булутлардан, бўронлардан ҳимоя қилиш шарафига эришдик. Шу сабабли ҳам, кейинги авлодларга нисбатан ҳам, Ватан равнақи учун айнан бизлар масъулроқдирмиз.

Ватан равнақи — қудратли иқтисодий кучга айланишдир. Айни чоқда инсоннинг руҳият, маънавият жиҳатдан қудратли қалъага айланмоғидир. Ватан юксалишини ўйламак — бир пайтлар қўлдан кетган ҳуррият ва номусни ўз ўрнига келтиришга ҳаракат этмоқликдир. Энди ўйлаб кўрайлик: ҳуррият ва номусни нима йўқотади? Ноаҳиллик. Энди уни нима ўз ўрнига тиклай олади? Аҳиллик, якдиллик! Боболаримизнинг шарафли кунларини, одилона даврларини нима тирилтиради? Иттифоқлик!

Бир гуруҳ одам қасида айтмоқ билан овора бўлса, яна бир гуруҳ «қани, нима бўларкин» деса-ю, бошқалар эса зўр бериб ишлагани билан тараққиётга яқин ҳам йўланмайди. Бу ҳол машҳур масалдаги аравани уч ёнга тортаётган нодон жониворларни эслатади. Тараққий топмоқликнинг шарти — бир тан, бир жон бўлиб ишламоқлик.

Ровийлар дерларки, подшоҳ мармардан ажиб ҳовуз бунёд эттирибди-ю, «Аҳли фуқаронинг ҳар бири эрта тонгда бир косадан сут келтириб ҳовузга тўксин», деб амр қилибди. Фармонни эшитган бир киши «шунча минг одам орасида мен сут ўрнига сув олиб бориб тўксам, ким билиб ўтирибди» деган қарорда сув кўтариб борибди-ю, ҳайратга тушибди: ажабки, шаҳардаги бошқа одамлар ҳам айнан шу фикр, шу аҳд билан сув келтирган эканлар.

Ривоятдан ибрат шуки, Ватан билан ўзни бир бутунликда деб ҳис этган, виждони покиза одамда Ватан фойдаси, тараққиёти учун меҳнат қилиш иштиёқидан бошқа нарса бўлмаслиги керак. «Йилларнинг йиғини умр саналмас, Ватанга наф теккан кунинг умрдир» деган мақол бекорга айтилмаган. Донолар Ватан юксалиши йўлидаги хизмати билан шуҳрат топишини «иккинчи умр», деганлар.

Ватан тараққиёти ҳавойи тушунча эмас, балки аниқ бир ҳаракатдир, бу ҳаракатнинг асоси ҳар бир одамнинг ташаббусидан бошланади. Фарзандларимизнинг мактабда битта ҳарф ўрганишлари ҳам, янги иморатга қўйилган битта ғишт ҳам, илмдаги оламшумул кашфиёт ҳам ана шу ташаббуснинг меваларидир. Эрталаб Ватандан бир нима олиб, шомда ўша битта миқдорида қайтарсак —ютқизамиз, бунда тараққиёт бўлмайди, аксинча, тушкунликка юз тутилади. Демак, олган нарсамизни бир-икки эмас, ўн, балки ундан-да кўп ҳисса қилиб қайтаришга интилмоғимиз шарт экан.

Мамлакат тараққий йўлини белгиловчи омиллар кўп. Шулардан бири ва энг муҳими — Ватан мустақиллигига, Худога шукр, эгамиз. Аҳамияти ва эътибори жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи омил — аҳиллик, иттифоқликни зикр этдик. Учинчиси — маориф, илм олмоқликдир. Маърифатпарвар устоз Исмоил Гаспиралининг: «Ватанни севмоқ, менингча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир», деган эканлар. Жадидлар фақат Ватан равнақинигина эмас, балки ўша давдаги энг муҳим вазифа — истиқлолга эришмоқлик йўлини ҳам айнан шу маорифда кўрганлар. Илмсиз, жаҳолат ботқоғидаги миллатни озодлик курашига жалб этиб бўлмаслигини англаганлар. Донишмандлар айтишган эканки: «Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан тўхтайди». Шундай экан, фикрламайдиган одамдан Ватанга қандай наф тегиши мумкин?

Илм олмоқ — ҳар бир муслим ва муслималарга фарз этилгани барчага маълум. Муборак ҳадисда умумий тарзда «мусулмонларга» ёки «иймон келтирганларга» деб эмас «муслим» ва «муслималарга» деб айри-айри тарзда таъкид этилмоқда. Узоқ асрлар мобайнида айни шу таъкидга эътибор берилмади — «аёлларнинг ўқимоғи шарт эмас», деган нотўғри фикрда иш юритилди. Сиз билан бизга шунчаки илм олинглар, дейилмади. Балки бешикдан то қабрга қадар ўқимоғимиз фарз қилинди. Уламоларимизнинг айтишларича, Қуръони каримда энг кўп тилга олинувчи сўз — Оллоҳнинг муборак исмлари экан, «Илм» атамаси эса кўп тилга олиниш жиҳатидан иккинчи ўринда турар экан.

Ўрни келганда айрим биродарларимизга айтиб ўтадиган эътирозимиз ҳам бор: уламоларимиздан бирларига: «Сизлар дунёвий илмга етарли эътибор бермайсизлар», десак, у муҳтарам зот: «Илм олмоқлик фарз» дейилганда диний илмлар назарда тутилган, дунёвий илмлар билан давлат шуғулланаверсин», дедилар. Бу оддий гап эмас, балки миллатни қолоқликка тортувчи хато фикр. Яна муборак ва шарафли ҳадисларга мурожаат этайлик-чи: мусулмонлар илм олмоқ учун ҳатто Чинга, яъни Хитойга бормоқликлари ҳам лозим экан. Фақат диний билим назарда тутилса, Хитойга бормоқлик жоиз бўлармиди? Ахир Хитойда исломий илм берилмайдику? Демак, масала бу тарзда қўйилянти: агар бутпарастлар, кофирларнинг илми етук бўлса, уларни инкор этманг, улардан ўрганинг, улардан орқада қолиб кетманг...

Бизнинг миллатимиз шу фарзлардан чекинган даврлардан бошлаб таназзулга юз тутганини афсус билан бўлса-да, ёдда тутмоғимиз шарт. Аниқки, мусулмон мамлакатлар илм-фанга эътиборсизликлари туфайли тобора ҳолсизланиб бордилар. Бу масалага эътиборни кучайтирган Европа қудрати эса ошиб борди. Айниқса, XIX-XX аср уларнинг доруломон даврлари сифатида тарихга муҳрланди.

Ҳозир ўзини ҳар томонлама етук деб ҳисоблаган етти давлатнинг иттифоқи мавжудки, уни «еттилик» дерлар. Русия ҳам шу қаторда саккизинчи бўлиб туришга даъвогар, бироқ у жаҳон аҳли томонидан тараққий топган мамлакат сифатида тан олинганги йўқ. Шу «еттилик»нинг аъзолари — Германия ва Япония иккинчи жаҳон урушида мағлуб этилиб, тамомила ҳаробазорга айлантирилган эди. Германия ҳатто иккига бўлиниб ташланган эди. Эътиборли томони шундаки, улар қисқа муддатда ғолиб мамлакатлар билан тенглашибгина қолмай, баъзи соҳаларда илгарилаб ҳам кетдилар. Айниқса, ер ости бойликлари хомашёси деярли бўлмаган Японияннинг тараққиёти ажабтовур туюлади. Лекин бунда ажабланарли ёки сирли жиҳатлар йўқ. Ҳаммаси ойдин кўриниб турибди — бу мамлакатлар фақат илм йўли билан дунёнинг энг илғорлари сафидан ўрин олишди. Улар иқтисодий жиҳатдан қийналган даврларида ҳам ёшларнинг илм олишларига катта аҳамият бердилар ва ҳозир ўша эътиборнинг меваларидан баҳрамандлар.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, АҚШ, Англия ва Франция фақат ўз миллатлари орасидан олимларни тарбия қилиб қолмай, иккинчи жаҳон урушидаврдаёқ ўзга мамлакатлар олимларини ўғирлаб кетиш билан ҳам шуғулланганлар. Мамлакатлари юксалишини шу йўл билан ҳам таъминлаганлар. Бу иш ҳозир ҳам, энди маданий тарзда олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда, Англиядаги тиббий олимларнинг кўпчилигини Ҳиндистон, Покистон каби Осиё мамлакатларидан борганлар ташкил этар экан. Собиқ Совет Иттифоқининг қарбий разведкаси ҳам уруш йиллари маълумот тўплаш билан бирга, немислар истилосидаги мамлакатлар олимларини ўғирлаш билан шуғулланганлар. Урушдан кейин эса «Социалистик лагер» деб аталмиш мамлакатларнинг, шу жумладан, «Иттифоқдош республикалар» деб аталмиш юртларнинг олимлари «Совет фани ва техникаси ривожи учун» меҳнат қилдилар. Жумладан, ўзбек олимларининг салоҳияти ҳам умуминтифоқ равнақига қаратилди. Баъзи кучли олимларимиз Москвага олиб кетилди, баъзан эса олимларимиз ихтиро этган кашфиётлар Москвада, ўша ернинг олимлари томонидан давом эттирилди. Ўзбек олимлари 70-80 йиллар орасида сув билан ҳаракатга келувчи автомобил двигателини яратдилар. Яъни сув кимёвий йўл билан кислород ва водородга ажратилади, водород бензин ўрнида ёқилади, кислород эса ҳавога чиқарилади. Ёки қуёш нурларидан қувват олувчи электромобил ҳам Ўзбекистонда туғилган, десак бўлади. Фақат бу ва бунга ўхшаган кўплаб кашфиётлар «янада такомиллаштириш учун» Москва томонларга олиб кетилган. Телевидениенинг ватани Тошкент эканини кўпчилик унутгани каби, бу кашфиётлар ҳам эсдан чиқди ҳисоб. Биринчи фазогир Гагариннинг парвози ва бошқа космик тадқиқотларда ўзбек олимларининг ҳиссаси борлигини эса кўпчилик билмайди ҳам.

Бу каби мисолларни эслашимизга сабаб шуки, биринчидан, истиқлол туфайли олимларимизга ўзлигини кўрсатиш имконияти яратилди, иккинчидан, Ўзбекистон илм-фани қолоқ эмас, балки бугун бўлмаса эртага ўша ривожланган мамлакатлар фан-техникаси билан рақобат қила оладиган даражага етиши аниқ. Бир неча йил муқаддам Ўзбекистон вакиллари Покистонда бўлишганида, у мамлакатнинг эътиборли, мансабдор одамлари иштирокидаги йиғинда «Ўзбекистон тараққиётига ёрдам бериш» масаласида гапирилибди. Шунда мезбонлардан бири туриб: «Биродарлар, биз масалани нотўғри қўяяпмиз. Биз энди ривожланаётган мамлакатмиз. Ўзбекистон эса кўп жиҳатдан ривожланган мамлакат ҳисобланади», деган экан.

Номдор футбол, хоккей.... командалари бошқа юртларнинг спортчиларини сотиб олиш ҳисобига кучайганлари сингари, айрим мамлакатларнинг фан-техникаси ҳам шундай ривожланганки, бу услуб бизнинг Ватанимиз учун мутлақо хос эмас. Бизнинг илм-фан тараққиётимиз ўз кучимиз, ўз ақл-идрокимиз билангина амалга ошади.

Бу ўринда илмга фақат давлат томонидан аҳамият берилмоғининг ўзи кифоя эмас. Шукурки, давлатимизнинг бу борадаги ибратли ишлари кўп. Юзлаб ёшларимизнинг ҳориждаги эътиборли университетларда илм олиб келаётганлари, ўқиётганларининг ўзини эслаш кифоя. Очиғини айтганда, истиқлолнинг дастлабки йилларида кўпчиликда бадбин қарашлар туғилган эди. Ёшлар илмдан юз ўгиришиб, тобора тижорат томон оқаётгандек туюлиб, келажак хира булут ортидан кўринаётган эди. «Ўқиб нима қиламан, профессор бир ойда ишлайдиган пулни бозорда бир соатда топаман» деган олифта гаплар кўнгилларни ғашлаган эди. Шу ҳолат давом этса, баҳор гулларини ямлаган аямажизнинг голиб юришлари бошланарди. Хайрият, бундай бўлмади. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмасди-да! Тарихда шарафли ўринга эга бўлган улуғ алломаларнинг авлодлари наҳот озодлик онларига етиб келганларида илмдан тонсалар?! Ўтган йили олий ўқув юртларига кириш ҳаракати кўнгилларни қувонтирди. Илм эгаллашни истаган ёшларнинг сони кутилгандан ҳам кўп бўлдики, бу ҳол келажак юзини тўсиб турган булутларни ҳайдади.

Ҳамал келди, амал келди...

Менинг бир танишим бор, уни ўттиз йилнинг нари-беридисида биламан. Шу вақт мобайнида бирон марта бўлсин, унинг эгнида хорижда ишлаб чиқарилган кийимни кўрмаганман. Сифатсизроқ бўлса ҳам, фақат ўзимизникини олиб кияди ва буни ватанпарварликнинг кичик бир зарраси деб билади. Саноатимиз юксалиш палласига кирган айни дамларда шундай зарралар ҳам зарурмикин?» дейман.

Швейцарияда истиқомат қилувчи ватандошимиз бир ибратли воқеани айтиб берган эди. У киши Берндаги ресторанда немис ва яҳудий биродарлари билан ўтиришган экан. Газета сотиб юрган йигитча яқинлашганида, яҳудий уни чақириб, Исроилда чиқадиган газетани сотиб олибди. «Сен ибрит тилини билмайсан-ку, газетани нега олдинг?» деб ажабланибди немис. «Ҳа, она тилимни билмайман, бу менинг уятли томоним. Лекин бу газета Ватанимда чиқади. Уни сотиб олиш билан у ердаги дўстларимга ёрдам берган бўламан», дебди яҳудий. Бу ҳам Ватанга хизмат қилишнинг ўзига хос бир зарраси.

Баъзан божхона хабарларини эшитиб, кўриб ҳайратга тушаман. Ўзбекистонликларнинг ўзларига зарур бўлган маҳсулотларни қўшни республикаларга олиб ўтиб сотишга уринишади.

Нафс ғолиб юракда Ватан туйғуси бўлмайди. Маънавий дунёмизни бузишга хизмат қилувчи нарсаларни хориждан олиб келиб сотиш ҳам шунинг айнан ўзи.

Илмдан йироқлашиш — жаҳолат, мамлакат тараққиётининг биринчи душмани бўлса, иккинчи душман ана шу нафс, бойишга ва фақат бойишгагина интилишдир. «Ватан манфаати» ва «нафс» деган тушунчалар бир-бири билан келиша олмайди. Нафс ғолиб ерда хиёнат эшиклари очилади. Ингичка игна ҳам, йўғон мих ҳам кўзга кирса кўр қилиши мумкин бўлгани каби, Ватан манфаатининг бир зарраси сотиш ҳам хиёнатдир. Шу ўринда қўполроқ бўлса-да, «Ватан равнақини ўйлайдиган инсон озод мамлакатда яшашга ҳақлими?» деб сўрашга тўғри келади. «Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун — инсон ҳаётида қолур бемазмун», дейилган ҳикматни унутиш кишини шу ҳолга олиб келади.

Мирзо Бобурнинг суюкли ўғли Ҳумоюн Мирзо дардга чалинганида, «яхши нимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак», деб маслаҳат беришди. Ота Бобур: «Ўғлимнинг мендан ўзга яхши нимарсаси йўқ, мен ўзим тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсин», деган фикрда фарзанди атрофида айланиб: «Мен кўтардим ҳар не дардинг бор», деган экан. Бобур Мирзонинг бу фазилатларини ҳар биримиз ўзимизга сингдиришимиз керак. Темирми ё бирон маъданми етишмаса, бошқа ерлардан олиб келиш мумкин. Лекин қашшоқ юракда Ватанга муҳаббат, фидойилик ҳисси бўлмаса, бу туйғуларни ўзга юртлардан келтириб жойлаб бўлмайди. Шу боис ҳам ҳар биримиз қалбимизни тарбия этмоғимиз шарт ва демоғимиз жоизки: «Ватан, биз сени севувчи фарзандлармиз, бизгина кўтаргумиз ҳар не дардинг бор!»

Ватан шаънига атаб неча минг сатрлар битилган. Ватан юксалишига қўшишимиз лозим бўлган ҳиссамиз ҳақидаги фикримизни шу шеърлардан бирида юлдуз каби чарақлаб турган сатрлар билан якунласак:

Юрак ҳаёт экан,
номусга, шаънга —
Дўстигинам, Ватанга
жонни тикканмиз,
Кўнгил орзулари
фидо ўшанга!

Тоҳир МАЛИК.

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИ

тимиз, халқимиз равнақи йўлида сидқидилдан қилган меҳнати ҳисобига жамият тараққиёти тезлашади.

Истиқлол йилларида ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг ислоҳотлар йўлига қатъий ишончи, тадбиркорларнинг янгиликка интилиши натижасида нафақат одамларнинг дунёқараши, балки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида дастлабки натижалар кўзга ташлана бошлади.

Айниқса, Президентимизнинг 2000 йилнинг бошида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1999 йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузасидан сўнг кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кенг йўл очилди.

Ўтган бир ярим йил вақт ичида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Шунингдек, ушбу соҳанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, текширув органлари ишини мувофиқлаштириш борасида жиддий ишлар амалга оширилди.

Қисқа вақт ичида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесга кредит бериш тизими яхшиланди. Микрокредитлар ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд пул тарзида тижорат банкларидан олиш муаммоси ҳал бўлди.

Фақатгина 2000 йилнинг ўзида микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига 138,9 миллиард сўм ёки 1999 йилга нисбатан 1,5 баравар кўп кредит берилди. 2001 йилнинг биринчи ярмида эса 72 миллиард сўм маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва бошқа молиявий ташкилотларининг кредитлари жалб қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга ёрдам бериш ишлари сезиларли даражада яхшиланди. Энди иш бошлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес-инкубаторларнинг иши анча фаоллашди.

Натижада миллий иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнеснинг мавқеи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда 190 мингдан ортиқ кичик ва ўрта корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ярим йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот таркибида уларнинг улуши салкам 32 фоизни ташкил қилди (1991 йилда атиги 1,5 фоиз бўлган). Банд аҳолининг учдан бир қисми ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ҳар бир фуқарога ўз қобилиятидан тўлиқ фойдаланиб меҳнат қилиш ҳисобига оиласининг моддий фаровонлигини ошириш имкониятлари яратилганлиги боис аҳоли даромадларида тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалигидан, якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши сезиларли даражада ошди.

Энг муҳими, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, бозорларимизга қут-барака киритишга катта ҳисса қўшмоқда. Кўплаб иймон-эътиқодли ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобига мактаб, боғча ва шифохоналар қуриб бермоқда, болалар уйларига, кам харж оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда.

«Шуниси эътиборлики, бундай одамлар йил сайин кўпайиб бормоқда, улар, таъбир жоиз бўлса, барқарорликнинг асосий кафолатига, жамиятимизнинг тараққиёт ва юксалиш сари боришида мустаҳкам таянч ва ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда».

Лекин ижобий ўзгаришлар ҳамма жойларда, тармоқларда биз кутган даражада рўй беряпти, деб бўлмайди. Акс ҳолда, бу масалани Йўлбошчимиз катта мажлисга олиб чиқмаган бўларди. Гап шундаки, айрим минтақаларда мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши республика даражасидан анча кам бўлмоқда.

Айниқса, кичик ва ўрта бизнес ишлаб чиқариш соҳасида етакчи мавқега эга бўлгани йўқ. Яъни кўп тадбиркорлар фақат олди-сотди билан машғул. Ҳозир республикада рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта корхоналарнинг атиги 10,5 фоизи саноат, 6,3 фоизи қурилиш, 1,0 фоизи транспорт ва алоқа тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

Ваҳоланки, бизда кичик ва ўрта корхоналарни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида, жумладан озиқ-овқат, енгил, маҳаллий саноат тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида ва унинг хомашёсини қайта ишлаш тармоқларида кенг ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Ҳар бир шахс ўзининг имконият ва ҳоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, ўз кучини синаб кўриш, омилкор, билимли кишиларнинг тадбиркорлар сафига эркин келиб қўшилиш учун кенг имконият яратиб беришимиз зарур. Маҳаллий давлат бошқарув органлари, қолаверса, барча жамоатчилик уларни қўллаб-қувватлашлари лозим.

Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳитининг қарор топишига халақит бераётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича амалий таклифлар билдириб, ушбу соҳага мутасадди бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ вазифалар топширди.

Жумладан, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, уларни текширувчи ва назорат қилувчи органлардан ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратиш, кичик ва ўрта корхоналарни моддий-хомашё ресурслари ва технологик ускуналар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Мутасадди ташкилотларга кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш, бошланғич молиявий ресурслар билан таъминлаш, зарур норматив ҳужжатлар ва методик адабиётлар билан қуроллантириш вазифаси юклатилди.

Айниқса, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда бозор инфратузилмаси муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада банк тизимига катта масъулият юклатилган. Улар фақат кредит ажратадиган, пул операциялари бажарадиган муассаса эмас, балки чуқур иқтисодий-молиявий таҳлил қиладиган, мижозларга маслаҳат ва йўналиш берадиган ташкилотга айланиши лозим. Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, зарур ҳолларда тавсиялар, бошқарув идораларига умумлаштирилган ахборотлар бериб туришлари лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўтарилган муаммоларнинг ҳал қилиниши иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини тезлаштиришда, ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланишида катта омил бўлади. Энг муҳими, юртимизнинг табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Авазбек СОДИҚОВ.

Марғилоннинг «Чодиржамол»и

«Чодиржамол» фольклор-этнографик дастаси номини эшиттанда, нафақат марғилонлик, балки Фарғона водийсидаги барча санъат ихлосмандларининг лабларида табассум балқийди. Сабаби — «Чодиржамол» санъаткорлари халқимизнинг ўлмас анъаналари, урф-одатларини тараннум этиб, марғилонча аскиялари билан каттаю кичикни ўзига ром этган.

СУРАТДА: Марғилон шаҳар маданият уйи қошидаги «Чодиржамол» дастаси аъзоларининг чиқишларидан лавҳа.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Специализированное ремонтное управление «УЗКОММУНТЕПЛОЭНЕРГОРЕМОНТ», ныне преобразованное в ОАО «УЗКОММУНИССИКЛИКТАЪМИР»,

производит КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ водогрейных и паровых котлов и котельно-вспомогательного оборудования,

ГОТОВЬСЯ К ЗИМЕ ЛЕТОМ!

в том числе ИЗГОТАВЛИВАЕТ бытовые водогрейные котлы с использованием различных видов топлива.

Все виды работ производятся из собственного материала ОАО «Узкоммуниссикликтаъмир».

Наш адрес: 700206, г.Ташкент, массив Юнусабад, квартал 17, дом 18.
Телефоны: 22-91-32, 22-87-57, факс 22-87-57.

АИЛИДА сакинаси бор одам

Мақсуд ҚОРИЕВ ҳақида сўз

Доим ёшлардек шаҳдам, тетик, ғайрати қайнаб турадиган, яшаш забтига эга бўлган Мақсуд Қориев, мана, етмиш бешга кириб боряпти. У «Меҳригиё»нинг эшигини очиб ўтиради. Унинг атрофида эски ва янги одамларни кўп кўраман. Мақсуд Қориевни кўр тортиб келишади. Жон-дилдан суҳбатлашишади. Унинг кўри ўчмаган. Чироқ атрофига парвона йиғилгандай, одамлар шу кўр яллиғларига қараб ўтириб, ўз юракларини очадилар. Дардлашадилар. У ажаб бир мутабассум билан тинглайди. Тинглашдан эринмайди ва зерикмайди. Майли, гапириб олсин, енгил тортади, дегандай вужуди қулоққа айланади. Гапларингиз, гаплар нима, дардларингизни худди тилла бериб тортиб олаётгандай бўлади. Бундай одамларни дардкаш, дейишади. Улар дардкашликка ўрганган эмаслар. Дардкашлик уларнинг табиатида бор. Дардкашлик уларга она қорнида ёзилган, зувалаларига қоришган. Одамлар Мақсуд Қориевни дардкаш одам, деб танишади.

Боядан бери дардкашлик ҳақида сўзлаяпмиз-у, чамаси, аслида гап меҳригиё устида кетяпти. Биз меҳр-оқибатли инсонларни меҳригиёли, деб биламиз. Меҳр-оқибат одамдан одамни ажратиб тургувчи, белгиловчи хусусият бўлса ажабмас. Ҳар кимда шундай одамийликни белгиловчи бир хусусият бўлмай иложи йўқ.

Мақсуд Қориев ҳузурига кирган одамнинг ҳеч қачон иши битмай чиққан эмас, унинг қошидан, унинг суҳбатидан кўнгли тўлмай, чала қурсоқ бўлиб кетган эмас. У одамларнинг дардларини хўб тинглаганчалик уларнинг ишлари, арз-додларини ҳам хўб битирар эди. У ишларни яхшилик томонга бурарди. Бундай одамдан кўнгилхотиржамлиги ёғилиб туради. Қуръони каримда бир қанча илоҳий оятларда иймонли мўъминларнинг дилларига Худо сакина ато этади дейилган. Шу сакина ичида равонлик ҳам, рўшнолик ҳам, саодат ҳам ва шуларга яқин, қон-қардош барча нарсалар жамланади. Сакина — бу кўнгилнинг хотиржамлиги, тинчлиги... Бир пайтлар буни мен кўнгил ва иймон ҳаловати, деб тушунар эди. Мақсуд Қориевнинг сакинаси — унинг меҳригиёси, одамларга оқибати.

У босиб ўтган ҳаёт йўли, ёзган китобларига назар солар эканман, унинг инсоний сакинаси қаердан пайдо бўлганлигини билгандай бўлдим. Бу сакина унинг маърифатли ота-онаси, авлод-аждодларида бор экан... У — Қориевларнинг наслдан-наслга ўтиб келаётган маънавий хазинаси экан. Адиб ўзининг «Эзгуликка интилиб» номли ажойиб хотира китобида ҳам, илгари ёзган бадиий асарлари — бир қанча романлари, қиссалари, ҳикояларида ҳам одамлар — қаҳрамонларни шундай табиий зўриқмай, бўямай-бежамай тасвирлайди. Ким ҳақида ёзмасин, худди ўзи ҳақида, баайни ўзини ёзаётгандай бўлиб тасвирлайди. Унинг қарийб икки минг йил илгари бўлиб ўтган воқеаларни қаламга олган «Спитамен» ёки «Ибн Сино» романларини ўқиб кўринг. Мақсуд Қориев Спитамен, Искандар, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавийларни ҳам худди ўзини ёзаётгандай бир тарзда гавдалантиради. Бунда нотабиийлик йўқ. Аксинча, ажиб бир табиийлик, инсонийлик зуҳур этади...

Бундан балки сиз унда ёзувчи Искандар, Спитамен, Ибн Сино, Беруний ва яна кўпдан-кўп машҳур тарихий сиймоларни ўз даражасига, ўз қолипига туширган экан-да, деган иштибоҳга борма-сангиз эди, дейман. Асло. Актёр Эдип ичига тугал кирмаса, ҳеч қачон Эдипни ҳаққоний гавдалантиролмайди. Мақсуд Қориев ҳам шу йўлдан бориб, ўз буюк қаҳрамонлари ичига кирган, қобиғига кирган, кези келса, Спитамен бўлган, Искандар, Ибн Сино бўлган...

Унинг Искандари, Спитамени... — улар шу ёзувчининг назаргоҳида етилганлар. Бошқа ёзувчилар, тарихчиларнинг спитаменлари, искандарларидан шу жиҳатлари билан фарқланадилар... Мақсуд Қориев уларни меҳригиё билан озиқлантирган... бу меҳригиё адибимизда қандай белгиловчи — доминант куч эканлигини юқорида эслашиб ўтган эдик. Ёзувчи қалб кўрини шу каби қаҳрамонларига тўла берганлиги учун ҳам, улар жонли чиқадилар. Улар сизнинг ишончингизни қозонадилар.

Ёшликнинг жуда нафис туйғулари, фусункор интилишлари билан ёзилган унинг илк, «Ойдин кечалар» асари ҳам олтмишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йилларнинг ўқувчиларига шундай ноёб меҳригиёси билан танилган, кўпларнинг юракларини ром этган. Бу қиссани орадан шунча йиллар ўтиб ҳам, ёшлар ҳамон худди Вертерни, Ёдгорни, Манон Лескони қўлга олгандай ўқийдилар. Бу қисса ўша пайтда ва ҳозир ҳам Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Неъмат Аминовнинг энг яхши асарлари ёнидан жой олган эди. Бунақа гўзал, шеър каби ўқиладиган қиссани ҳар бир ёзувчи ўз умрида бир бора ёзади.

Сиймоси нурли одамлар борки, улар атрофидаги кишиларни ижодкорликка рағбатлантирадилар. Балки янглишаётгандирман. Лекин назаримда, Мақсуд Қориев, Саъдулла Кароматов, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов ва бошқа яна талай ижодкорларни Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидовнинг кимёси илҳомлантирган, уларга ижод тўлқинларини бахш этган эди. Улар энг яхши маънода рағбатлантирар, ижодга ундар, далда берар, яхши инсоний мақомга кўтарарди. Буни журналистикадан, муҳаррирликдан бадиий ижод ичига кириб келган Мақсуд Қориев, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов каби ёзувчилар яхши билардилар. Мақсуд Қориев шундай илҳомлантирувчи, рағбатлантирувчи кучнинг таъсирини ўз бошидан кечирган ва бу унинг бутун ижодига, тарихий асарларига баракали таъсир ўтказган.

Бундай ҳолда биз меҳригиё меҳригиёга тушибди, десак, тўғрироқ бўлади.

Мақсуд Қориевни эзгулик қизиқтиради. У ўзини инсон фаолиятининг шу томонларига чуқурроқ киришга чоғлайди. Ҳаётни, одамларни эзгуликнинг намоён бўлиши нуқтаи назаридан тасвирлайди. У ўзининг умр хотираларини «Эзгуликка интилиб» деб номлаши тасодифий эмас.

Баъзи бир одамларга бу жуда сийқа ибора ва тушунча бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Лекин ёзувчи учун бу инсон ва ҳаёт моҳиятини ўлчайдиган, белгилайдиган ўта муҳим ҳодиса. Мақсуд Қориев ҳаётнинг қиммати ва инсон умрининг маъносини айнан мана шу маънавий ҳодиса — эзгулик билан, унинг конкрет намоён бўлиши билан белгилайди. Биз қайта-қайта тилга олаётган ва тушунтиришга уринаётган меҳригиёнинг замирида ҳам худди шу эзгулик ётади. Эзгуликни меҳригиё, меҳригиёни эзгулик, деб тушунтириш мумкин.

Мақсуд Қориевни эзгулик ёзувчи қилди. У ўзи дуч келган эзгуликлардан таъсирланиб қўлига қалам олади. Қодирийнинг машҳур гапи: «ҳавасимда жасорат қилдим...» Мақсуд Қориевни эзгулик, жасоратга ундайди. У агар эзгуликда жасорат қилдим деб айтса, бу баайни Қориевнинг гапи бўлур эди, албатта.

Редакция эшигини очиб кирсам, адибни турли қўлёзмаларни ўқиб ўтирган ҳолда кўраман. Унинг киртайган кўзларининг туб-тубидан севинч нурланади. У сизни кўрганидан, яна бир карра дардлашиш, узоқ ўтмиш ва балқиб келаётган келажак ҳақида суҳбатлашиш имконияти туғилганидан севинади. У сиз — инсон ва ҳаёт борлигидан севинади. Бу фақат ва фақат эзгуликдангина бўладиган севинч...

Шу кунларда адибнинг танланган асарлар мажмуаси нашрдан чиқмоқда. Уларга ёзувчининг «Спитамен» (I жилд), «Ибн Сино» (II жилд), «Ойдин кечалар», «Қиз узатиб борганда» ҳамда туркум ҳикоялари (III жилд) киритилган. Бу — уйқусиз кечалар, тинимсиз, машаққатли, яратувчи меҳнат маҳсули.

Инсондан қоладиган нарса: яхшилик, фарзанд ва боқий китобдир. Буларнинг барчаси меҳригиёли адиб дўстимиз Мақсуд Қориевда бор. Биз ижодкорга соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

Адиб «Эзгуликка интилиб» китобини «Ҳали битмай қолган қўшиқларим кўп» деган сўзлар билан тугаллаган. Чиндан, унинг ижодий режалари битмас-туганмас, янги асарлар адиб хаёлида тўқилмоқда. Ижод булоғи шундай қайнаб турганига нима етсин...

Иброҳим ҒАФУРОВ.

Сизга шеър айтгим келди

Қалбим варағи

Элим, истиқлолинг муборак бўлсин,
Келганмиз бу кўркка узоқ йўллардан,
Қалбим варағида ёзиғлиқ ўлкам,
Ҳар сатри тарих у кураш йиллардан.
Бугун тўй ўн йиллик ўзлигинг учун,
Азмингни ардоқлаб дўстларинг хушҳол,
Келурлар тенг, ҳамкор сўзлигинг учун,
Дўстликка кенг очган бағрин истиқлол.
Тарихинг сўрарлар, сенда юрарлар,
Бағрига чорлайди кўҳна қалъалар,
Дарёю тоғларинг гувоҳ турарлар,
Эл умри, дер, биз-ла бирга саналар.
Биз дуо кетган эл, диёрмиз азал,
Бунёдкор бўлиб-да яшаб келганмиз,
Ўзгартмас эрк йўлин эллар ҳеч маҳал,
Азму жасоратдан уни билганмиз.
Бу чаман ўзлигим, мангу баҳорим,
Шон йўлинг муборак-она-диёрим,
Азмингни кўрарлар дунёда бугун,
Азмингни кўрарлар зиёда бугун.

Тўртликлар

Юрак, сен дунёда икки қоясан,
Кўтарган заминда метин поясан,
Сен қуёш фарзанди, ҳаётбахш югрук,
Сен кимга қуёш-у, кимга соясан.

* * *

Йўлингда гул унар, дилкаш поёндоз,
Чиройи руҳингга оромбахш, эъзоз,
Ҳар гулда бор меҳр-у, бетакрор пардоз,
Сен уни асра-ю, ундан палак ёз.

* * *

Бешигинг тебранган замин қиблагоҳ,
Эл йўли қадамжой, ҳаётбахш нигоҳ,
Қай элда юрмагин, у ер ёт даргоҳ.
Ўз жойинг онадек умрингга паноҳ.

НАЗАРМАТ.

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори

АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли оғриқни босади




ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

/Сурхон ажанта лтд

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Ҳалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Ҳалқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2615, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6

Чемпионатдан кейинги мулоқот

ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

Олдин хабар қилганимиздек, яқинда Италиянинг Римине шаҳрида таэквандо (ITF) бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчилари юксак натижага эришиб, мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига муносиб тўёна — 13 та медал билан қайтишди. Чемпионат кунлари Халқаро таэквандо федерациясининг Конгресси ҳам ўтказилди. Мазкур анжуманда таэквандони бутун дунёда янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар айтилди. Шунингдек, ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Қизғин мунозаралардан сўнг бир неча номзодлар орасида кўп овоз олган ҳамюртимиз — республика Таэквандо федерацияси вице-президенти Шомурод ШОФАЙЗИЕВ Осиё Таэквандо конфедерациясининг вице-президенти этиб сайланди.

Шомурод ака билан чемпионатдан кейинги мулоқотимиз ана шу Конгресс ва икки йилда бир марта ўтказиладиган мусобақа таассуротлари хусусида бўлди.

— Бу галги жаҳон чемпионати аввалгилардан кескин фарқ қилди, — дейди суҳбатдошим. — Биринчидан, беллашувлар жуда шиддатли ўтди. Мусобақада ҳар сафаргидан кўп — жами 74 та давлат вакиллари қатнашишди. Иккинчидан, тилга олганимиз Конгресс баҳс-мунозарага бой бўлиб, олти соат давом этди. Кун тартибига киритилган ҳар бир масала жиддий муҳокамадан ўтказилди. Айниқса, Халқаро федерациямизнинг раҳбар ходимларини сайлаш, 2005 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш борасида қаттиқ тортишув бўлди. Даъвогар давлатлар ҳам чакана эмасди: АҚШ, Англия, Россия, Канада, Япония...

— Ана шу мамлакатлар орасида Ўзбекистонга ишонч билдирилганининг бош омили нимада, деб ўйлайсиз?

— Бунинг асосий омили, шубҳасиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталик ҳамда бошқа спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларнинг юксак савияда ташкил этилиши бўлди, десам янглишмайман. Жумладан, мана, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ҳар йили ташкиллаштириладиган "Мустақиллик кубоги" баҳслари қандай савияда ўтишидан улар хабардор. Мен шу тўғрида — республикамизда шахсан Президентимиз бошчилигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор хусусида 40 дақиқа маъруза қилдим. Қизиғи шундаки, Конгресс аъзолари Ўзбекистонга оид кўплаб саволлар беришди. Мен беш йилдан бери мамлакатимиз таэквандочилари умумжамоа ҳисобида кучли учликдан пастга тушмаётганини тўлиб-тошиб, фахр билан гапирдим. «Айтинг»чи, яна қайси мамлакат шундай натижага эришди?» деганимни биламан — ҳамма қарсак чалворди. Шунда кўпчилик ҳавас билан боқа-ётганидан қандай қилиб кўзимга ёш келганини ўзим ҳам билмай қолдим. Биласизми, бу нафақат ҳайрат, балки юртимиз спортининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи эди.

— Хорижий ҳамкасбларингиз, айтмоқчиманки, таэквандо мутахассислари Ўзбекистон ҳақида, унинг спорт федерациялари ҳақида нималар билишади?

— Фахр билан айтишим мумкинки, жуда кўп нарсани. Биргина мисол. Халқаро федерациямиз президенти Чай Хон Хи жаноблари мамлакатимиз ҳақида илиқ фикрлар билдирар экан, шундай деди: "Мен Ўзбекистонда кўп бўлганман. Спортни ривожлантириш учун фидойилик қилаётган Президент Ислом Каримов билан ҳам учрашганман. Ва беназир хизматлари учун 1991 йилда таэквандочиларга берилиши мумкин бўлган энг катта унвонни шу кишига тақдим қилганимдан мамнунман". Мана шу самимий гапларнинг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Бундан ташқари, бошқа мамлакатлар федерациялари, жумладан, АҚШ, Аргентина, Россия, Украина ва ҳоказолар билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, улар Ўзбекистон таэквандосини тан олишган. Қисқа вақт ичида жаҳон чемпионлари етиштириб чиқарганимизга ҳавас билан қарашади. Дарвоқе, мутахассисларимиз фаолиятининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи шуки, Миродил Мирзахонов шу чемпионатнинг энг яхши ҳаками, деб топилди.

— Польшанинг спорт ишлари бўйича вазири мамлакатимизга келганда, Таэквандо федерациясига ҳам ташриф буюрганди...

— Польша спортчилари таэквандо соҳасида дунёдаги энг кучли жамоалардан саналади. Шунга қарамай, бизнинг тажрибамизни ўрганишга интилиш кучли ларда. Кўпинча муваффақиятларимиз "сири"ни сўрашади. Ҳеч қандай сир йўқлигини, спортчиларимиз фақат юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишга қаратилган астойдил ҳаракати эвазига ғалаба қозонишади, десак, ишонишмайди.

— Суҳбатимиз сўнггида икки оғиз Италия таассуротлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Римине шаҳри денгиз бўйида жойлашган экан. Муҳташам меҳмонхонада яшадик. Иқлимга мослашиш учун уч кун олдин боргандик. Ҳар куни эрталаб денгиз бўйида жиддий машғулотлар ўтказдик. Самараси ёмон бўлмади. Чемпионатда 74 та давлат спортчилари иштирок этиб, уларнинг 55 таси медалсиз қолган бир пайтда Ўзбекистон фарзандлари медаллар шодасини қўлга киритишди. Олдимизга қўйган эндиги мақсадимиз — биз ютуқлар билан чекланмоқчи эмасмиз. Ёшларни кўпроқ қизиқтириш учун бир қанча бепул тўгараклар очдик. Бу ерда малакали мураббийлар машғулот ўтказишади. Ҳозир 2005 йил юртимизда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз. Ўйлайманки, мана шу баҳсларда республикамиз таэквандочилари ўз соҳасида дунёдаги энг кучли спортчилар эканлигини исботлашади.

Озод РАЖАБОВ,
«Ҳалқ сўзи» мухбири.

- *Ҳамюртимиз — халқаро ташкилот вице-президенти*
- *Мусобақанинг энг яхши ҳаками — мамлакатимиз вакили*
- *Жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади*
- *55 та давлат спортчилари медалсиз қолди.*

СУРАТДА: Ш.Шофайзиев ўз шогирдлари билан машғулот ўтказмоқда.

Спорт

Лондондан Намангана — мусобақага!

Юртимиз байроғини жаҳон узра ҳилпиратган Муҳаммадқодиргa ҳавас қилмаган йигитни топиш қийин. Наманганлик Нозим Азимовнинг ҳам чемпионга ҳурмати бўлакча. Нозим яқинда Таиландниг Бангкок шаҳрида «Қирол кубоги» учун ўтказилган мусобақаларда фахрли иккинчи ўринни эгаллаб қайтди.

Айни Нозим сингари тиришқоқ йигитларнинг интилишлари туфайли спортнинг бу тури вилоятда тез оммалашмоқда. Мана, уч йилдирки, бокс бўйича ҳоким соврини учун халқаро турнир ўтказиб келинаётгани ҳам шундан.

Бугун (28 июл) Намангандаги тўқимачилар маданият саройида анъанавий беллашув байроғи кўтарилади. Баҳсларда жаҳоннинг 9 мамлакатидан ташриф буюрган 150 га яқин ҳаваскор «чарм қўлқоп» эгалари қатнашади. Улар сафида Англия, Хитой, Малайзия, Россия вакилларининг борлиги турнир нуфузи ортаётганидан нишона. Мухлислар ҳоким совринига даъвогарлар орасида жиззахлик Лазиз Зокиров, Осиё чемпионлари — фарғоналик Шерзод Ҳусанов, чирчиқлик Алишер Раҳимовларнинг кучли зарбаларига гувоҳ бўлишади. Намангандаги олий маҳорат спорт мактабининг бокс бўлими мураббийси Лочинбек Кўчқоров эса Тўлашбой Дониёров, Жаҳонгир Нажмиддинов, Нодир Ғуломов, Акрам Дадабоев каби шогирдларининг ажойиб «жанг»лар кўрсатишидан умидвор.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мазкур спорт тадбири бир ҳафта давом этади. Вилоят ҳокимлиги ғолибларни энг сара совринлар билан сийлаш тараддудида. Энди гап рингга чиқаётган йигитларнинг маҳоратида қолди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Ҳалқ сўзи» мухбири.

ҲИКМАТ

Шу хил бўлки, олам десин офарин,
Ёмон демасин ўлганингдан кейин.

ОҒРИҚ?

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч.

/Сурхон ажанта лтд

АПКАЛ-Г

(глюконат кальций 500 мг)

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

/Сурхон ажанта лтд

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси «Бадиий қулолчилик» кафедраси мудири, доцент Абдутолиб Турғуновга онаси Кумушхон ая НУРАҲМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.